

Ш 26

Озод Шарафиддинов

ОЛАМНИНГ ҚАЎЛБИ



Одними капи
іхъ китобъ менни
паконфрмда

[illegible]

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество преддущих
выдач _____

1668,28.0000.
1003.286

ООО «Ипринская городская типография» Зак 1003-1341

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ КЕНТАШИ
МИЛЛИИ ГОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ

ОЛАМНИНГ ҚАЈЫ

ЁХУД КИТОБ МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

ОЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT
PEDAGOGIKA UNIVERSITETI

AXBOROT RESURS MARKAZI

ОЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLET PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2014

- 0525 -

УДК 821.512.133(092)

КБК 83.3(5Ў)6

Ш 26

Ўзбекистон Кахрамони, таникли адабиётшунос Озод Шарафилдиновнинг халқимизга қолдирган маънавий-маърифий мероси ўзининг қўлама-залвори билан кишини хайратга солади. Кейинги йиллар давомида олимнинг «Довондаги ўйлар», «Иккунли англаш бахти», «Домлар», «Жаҳон албоблари адабиёт ҳақида» сингари бир-биридан ўқилиш китоблари чоп этилди.

Қўлингиздаги тўпламга эса Озод Шарафилдиновнинг китоб, унинг инсоннинг тамалдунидати ўрни ва аҳамияти, китобга муносабат, китобхонлик маданиятига онд долзарб ўйлари, теран кузатишлари ақс этган мақолалари, суҳбатлари, таржималари жамланди. Ўстоз умр йўлининг турли даврларида яратилган мазкур мақолаларнинг барчасига ажиб бир хусусият ҳосилдир. У ҳам бўлса, ўзи излаб топгани — маънавий хазинани бошқаларга ҳам илиниш, ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қўлдан келганча қўмақлашиш истатидир.

Нашрга тайёрловчи ва тўпловчилар:

Мухаббат Шарафилдинова, Шахноза Тўйчиева

Масъул муҳаррир

Раҳмон Қўчқор

Шарафилдинов, Озод.

Ш 26

Олимнинг қалби ёхўд китоб менинг тақдиримда /

О. Шарафилдинов: нашрга тайёрловчи ва тўпловчилар: Мухаббат Шарафилдинова, Шахноза Тўйчиева; масъул муҳаррир Раҳмон Қўчқор. — Тошкент: «Маънавият», 2012. — 264 б.

УДК 821.512.133(092)

КБК 83.3(5Ў)6

Ш 4702620204-14

М25(04)-13

ISBN 978-9943-04-207-0

© «Маънавият», 2014

КИТОВСЕВАР ВА КИТОВСЎЯРЛАР ТЎҒРИСИДА ДОСТОН

...Подшо бир одамни ўлимга буюрибди. Тумонат оломон олдига маҳкумни олиб чиқибдилар. Тахтиравонда ўтирган подшо маҳкумга дебди:

— Подшо боболаримдан бир улум қолган. Ўлимга буюрилган маҳкумга: тила тилагингни, дейиладди. Сен хозир сўнгги нафасингни олапсан, шу дақиқаларда нима истайсан, айт, бажо келтираман.

— Подшойи олам, илтимос, мени шу жаллод сўймасин. У илм-сиъ, оми. Маҳкумни қандок сўйишни ҳам билмайди. Дуъа қилган жойидан — оёғиданми, тирсағиданми сўйеради. Жон томири қардлагингни билмайди. Илтимосим шукки, мени тажрибади, ис-теъдолдин, хунарданд жаллод сўйсин.

Подшо бошқа бир суюқни жаллодини чақириб, маҳкумга дебди: — Истагингни бажо келтираман. Сени тишимнинг қоватига ас-райб юрган, сўйган одами тўша-тўғри жаннатга тушадиган бир инсонларвар, қўли гул жаллодим сўяди. Аммо-лекин маза қиласан... Агар мента газета муҳарири «Китобингга фалон адабиётни тақриз ёзипти», деса, албатта, ранжийман.

— У адабиётни китобингнинг томирини тополмайди, — дейман. — Бир чеккадан варақлаб, тўғрими-нотўғрими, деб ўтирмай ура-иеради. Китобни жуда қийнаворди. Дурустроқ, тажрибалироқ, китобингнинг қон босимини тез аниқлайдиган, китовбсевар танқидчи топсанглар, дуруст бўларди. Китовсўядан Худо асрасин.

Унга «Озод ёзин» деб ҳам айтолмайман. Айтсам, мени мактайдиган олимни топинглар, деган маъно чиқмасин, дейман-да...

АНА ЭНДИ ЁКИМТОЙ ИНСОН, БИЛИМДОН ОЛИМ ОЗОД ШАРАФИЛДИНОВНИНГ КИТОВСЕВАРЛИГИ ТЎҒРИСИДА БИЛГАН ВА БИЛМАГАНЛАРИМ:

Ўзингиз биласиз, кўпчилик ёзувчиларнинг хусусий маши-

налари бор. Улар бирон жойга сафар килмокчи бўлсалар, Озод уларга хамроҳ бўлади. Бу дилкаш, истарали олимнинг ҳамсафар бўлишидан хузур киласиз. Йўл-йўлакай ундан охори тўкилмаган гапларни эшитасиз. Дунёда шу бола ўқимаган китоб колдимикан, деб ўйлайсиз. Вой, бунинг билагонлиги, вой унинг топагонлиги. Шунн хам айтиб кўйки, Озод билан сафарга чиқиш роҳат, сафардан бирга кайтиш азоб.

Албатта, машинада сафарга чиккан ёзувчида хотин, бола-чакалари Маргилоннинг ок дучагидан ола келинг, дейишади. Бири Ғирвоннинг аноридан кўпрок олиб келинг, деса, бири Косонсойнинг ноки эсингиздан чикмасин, дейди. Яна бири Андижоннинг девзирасини билдиган одамга кўрсатиб олинг, деб таъинлайди. Бирови Олтиариқдан ғириллаб ўтиб кетмай, турпидан бирон кол, албатта, олинг, дейди.

Озод билан сафарга чиккан одамга бу гаплар хайф. Чунки сафардан наинки унинг ўзи, хатто уни сафарга олиб кетган машинаги дўстлари хам икки кўлларини бурунларига тикиб, кул-курук кайтадилар.

Сабаб?

Йўлда кандоки китоб дўкони кўринса, Озод тўхтат, деб шофёрнинг билагига ёпишади. У, албатта, дўконга киради. Икки соат чамаси китоб титади. Кейин икки кўлтиги тўла китоб, орқасида ўшанча китоб кўлтикланган сотувчи чиқиб машинанинг юкхонасига тапиллатиб ташлайди. Шунанга дўконларнинг тўрттасига киргандаёқ машина тўлади. Шундан кейин Озод бошқа машинага ўтди. Уни хам китобга тўлдирди. Иккала машинанинг ғилдираги юк оғирлигидан ерта капишади. Кўзгалганда мотор интраб юборади. Нечта машина билан йўлга чиккан бўлсак, хаммаси китоб билан банд бўлади.

Бу «китоб жиннис» дўстимиз сўнгги тийинигача китобга сарфлаб, охири бизга карам бўлиб қолади. Хотини Шарофатхон билан кизи Мухаббат атлас олиб келинг, деб берган пул хам кулфтини ушлаганча кетади. Тошкентда бола-чакалари, келину кўёвлари, неваралари даламиз уни-буни олиб келади, деб, чучварани хом санаб ўтираверишади.

Озод билан сафарга чиқиш бир дунё қувонч. Аммо сафардан бирга кайтишни Худо ҳеч бир мусулмон бандасининг бошига солмасин. Чунки бирга сафарга чиккан ёр-биродарлар машинада жой колматанидан кўпчилиги посед ё самолётда кайтиб кетса, пулни колматанлари ноилож китоблар орасида бир пой думбаси билан ўтириб, инсон боласи кўрмаган азобларда уйга етиб келади.

Озод машхур китобсеварлардан ҳисобланади. Китобсевар бошқа, китобсўяр бошқа.

Адабий танкидчилигимизда ҳар иккови хам бор. Китобсевар китобни мукаддас билади. Унинг муаллифига ҳурмат билан кирайди. Китобсўяр эса китобнинг ичак-човогини ағдариб сўяди. Унинг маъносига, бадийлигига кўр-кўрона ёндашади.

Начора, гул битан жойда тикан хам битали.

Янги китоб кўлғезмлари муҳокамаларига Озодни хам чакириб туришади. Маълумки, бу китобларни ё бирон врач, ё бирон инженер ёки бўлмаса пенсияга чиқиб, нима иш қилишни билмай ўтирган, мен хам биттагина роман ёзиб кўй, деган «хаваскорлар» ёган. Кўпчилик бўлиб ёзган нарасини эринмай муҳокама қиладилар. Натижада, бўлмайди, бошқа тирикчилик қилинг, деган гап айтилади. Озод ўз фикрини назокат билан, муаллифнинг дили оғирмайдиган қилиб айтади. Яъни, олдин сўз айтган ўртоқларнинг фикрига қўшилган бўлади. Лекин дўстларимиз айтган камчиликлар кунг билан тузатилса, жуда яхши асар бўлиши мумкин, дегандек. Олдинги гапирганлар «асар»нинг турган биттани нуқсондан иборат, уни янгитдан ёзиб чиқиш керак, деган хулосага келишади. Озод хам аслини олганда худди шу гапни айтти. Факат йўли билан, жуда чиройли қилиб айтяпти.

Бир воқеа эсимга тушди.

Девонафёул шоир бўларди. Бир гапни айта туриб, бошқа гапларни хам аралаштириб юборарди. У ҳар кунни редакцияга келиб, битта жойини эгаллаб ўтирар, алмойи-алжойи гапларни айтаверарди. Бир кун гапи жуذا айниб кетганда унга, жиннилик қилманг, дедим. Шунда у мени урганди. Эртасига Ғафур Ғулом келди. У билан бирпас гаплашиб, унинг миёси айниб колганини сезди. Елкасига кўлини кўйиб, дўстим, жинни бўлсанг хам жуذا ширин жинни бўлсан, деди. Бу гап шоирга малол келмади. Кайтага ёқди. «Раҳмат», деб Ғафур аканинг кўлини қисиб кўйди. Қаранг, аслини олганда Ғафур ака билан икковимизнинг гапимиз бир маънода эди. Аммо Ғафур ака малол келмайдиган, хатто унга ёқадиган қилиб «жинни» деди.

Гапнинг йўтон томирини ушлаб туриб гапиришни Ғафур акага чиказганди. Озод хам гапнинг кон босимини томир ушламай туриб билади.

Ёзувчилар уюшмасига китоб олиб келадиганларнинг баъзин «асарлари» бадийликдан узок, тузатиб, эпакага келтириб бўлмайдиган нарасалар бўлади. Аммо уларга тушунтириб бўлмайди. Ўзларича қойил қилганман, деган фикрда бўладилар.

Минг марта ишлаган билан эпаката келтириб бўлмайдиган «асар»нинг муаллифини Озод қайта ишласа яхши асар бўлади, деб умидвор қилиб кузатиб кўяди. Нега ундай қилдинг, минг ишлаган билан ундан ҳеч вако чикмайди-ку, деганга, у, кўявер, дунёйи бо умид, шу билан овора бўлиб кун ўтганини билмай қолади, дейди.

Бир ривоят.

Афанди бас бойлашиб, шайтонни енгибди. Шарт бўйича енгилган енгилганга кул бўлиб хизмат қилиши керак. Шайтон нима иш буюрасиз, дегандек ишшайиб турганда, Африкага бориб она-бола туякуш олиб кел, деб буюрибди-ю, Афанди оғиздаги носни тупурибди. Нос ерга тушгунча шайтон она-бола туякушни ховлига олиб кирибди.

— Оббо, — ўйлабди Афанди, — бу бедаво махлук энсамни котириб қачонгача тўғримда ўтиради. Бирон кийин иш топишиб бир оз дам олмасам бўлмайди, — дебди ўзига ўзи ва бошидаги қоракўл қалпоғидан битта тола юлиб шайтонга берибди ва:

— Жуда кийшайиб, буралиб кетибди. Шунни текислаб, тўппа-тўғри қилиб бер, — дебди.

Орадан неча юз йиллар ўтиб кетибди ҳамки, шайтон ҳамон қоракўл тукни тизасига кўйиб, кафти билан ишқаё ўтирган эмиш...

Юқорида айтганим «асар»ни муҳокама бўлган йигит соқоли кўксига тушибди ҳамки, белги буючайиб хассаса таяниб қопти ҳамки ёзувчи бўлман, деб шайтонга ўхшаб ҳамон уриниб ётибди.

Озод шунакалар тўғрисида гапирганда, ҳар ким ўзи билган, биладиган ишни қилиши керак, дейди. Ёзувчиликни осон иш деганлар, майли, ёзиб азобини татиб кўрсин, адабиёт қанақа мушкул иш эканини билиб кўяди.

Озод ўттиз йилдан ортиқ Тошкент давлат дорилфунунинда ўзбек адабиётидан муаллимлик қилди. Минг-минглаб шогирдлар тайёрлади. Ўғирмадан кўп шогирди унинг илмий раҳбарлигида фан номзоди даражасига эришди. Улар орасида фан докторлари, профессорлар бор. Профессор Умарали Норматов, доцент Ортик Абдуллаев, Абдуғафур Расулов, Раҳмон Қўчқоров ҳамон устоз Озод Шарафидинов билан илмий-ижодий алоқаларини ўзгайлдилар.

Профессор Озод Шарафидинов илмий-педагогик фаолиятидан ўзгичмаган ҳолда адабиётимизнинг чирсиллаб турган масала-

лари тўғрисида юзлаб мақолалар эълон қилди. У яратган «Замон. Қилб. Поэзия» китоби адабиётшунослигимизга сарин бир шабада олиб келди. «Адабий этюдлар», «Биринчи мўъжиза», «Абдулла Каҳҳор», «Ҳақиқатга садоқат» китоблари унинг нақадар теран фикрли, мулоҳазаси кенг, услуби равон олим ва публицист эканини намоён қилди.

Чумчуқ сўйса ҳам қасосб сўйсин, деб шунга айтдилар-да.

Озод тиниб-тинчимайдиган, ҳар бир воқеага шахс сифатида муносабатини ўз вақтида билдира оладиган ҳозиржавоб олим, ёзувчи, педагогдир. Шу безовта қалб этаси, дўстларига меҳрибон, шогирдларига қаттиққўл, ҳаётнинг жами аччиқ-чуқчуқларини татиб кўрган, жарроҳ пичоғига танини мардона тугиб берган дўстим Озод ҳаммаша дўстлар ардоғида. Шогирдлар қуршовида. Ижосмандлар кош-қабогидадир.

Унинг хурмати ўз йўлига, у учун ҳамма нарсани қиламан. Аммо у билан сафарга бормайман ва у билан сафрдан бирга қайтмайман.

Хафа бўлса бўлар. Гапнинг очингани айтдим.

Менинг ушбу мақолам кимга маъқул келган бўлса, кўннини кўтарсин! Раҳмат, туширинглар. Аксарият.

Салд Аҳмад,

Ўзбекистон Қарамаони,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(«ЎзАС». 1999 йил 12 март сони)

АДАБИЁТКИ БОР – ОДАМЛАР УЧУН

Муҳбир: – Домла, «Санъат санъат учунми ёки халк учунми» деган савол жиддий мунозараларга сабаб бўла оладими? Умуман, мазкур савол устида бахсланиш шартми? Сиз бу саволни қандай изоҳлайсиз?

Озод Шарафиддинов: – Агар мента дабдурустан «Адабиёт нима?» деб савол берсалар, мен аник, тугал бир жавоб топпайман. Шу пайтга қадар ҳам килдириб, ўйлаб тополганим йўқ. Бир пайтлар «Адабиёт – оламнинг бадийи инъикоси» деб айтиларди. Бу умумий гапдан ҳеч нарсани аниқлаб бўлмайди. Бунда ҳеч қанақа ҳақиқат, кашфиёт, теранлик йўқ. Адабиётнинг образлиги, спецификасигина тўғри аниқлангандек. Лекин, умуман, адабиёт нима? У яққа одамнинг ишми ёки кўнчилигининг ишми? Ўзгача кўнчилик учун ёзиши керакми ёки ҳос одамлар учунми? Ҳозир Фарбда шундай ўзгачилар бор эканки, уларнинг асарларини тушуна дунё бўйича икки юзга одам тушунар экан. Улар ҳам тан олинган катта ўзгачилар, аммо асарлари тушунарли эмас. Майли, замонавий модерн ўзгачиларни кўя турайлик. Класикларни олайлик. Уларнинг ҳам асарларини ўқиш осон эмас. Масалан, ҳаммамиз тилимиздан бол томиб Толстойни, Достоевскийни мактаймиз. Бироқ, ўша ўзгачиларни сабри чидаб, таътига етиб, охиригача ўқиб чиққан нечта одам бор экан? Миллионлаб ўқувчилар уларни ўқиб тушунамайди. Шолохов тарчи зўр ўзгачи бўлса-да, унинг ҳам кўп томлик асарлар тўпламини ўқиб чиқиш осон эмас. Демак, адабиёт ўзининг мавҳум томонлари билан кишини ўйлантиради.

Бундан ташқари, ҳозирги замонда яна бир муаммо пайдо бўлди. Адабиёт энди олди-сотдининг предметига айланган. Бу муаммони ҳеч бир ўзгачанинг яхши-ёмонлигига боғлаб бўлмайди. Бозор иктисодиётида китоб санъати пайдо бўлганидан кейин китоб ҳам маҳсулотга айланди: биров уни ишлаб чиқаради, яъни ёзади, би-

ров эса босиб чиқаради, яна биров сотади. Ўзгачанинг ўзи ҳам китоб сотиб, даромад эвазига тирикчилик қилади. Олди-сотди бўлган жойда эса мултак эркинлик бўлиши мумкин эмас. Ўзгачи хоҳласа-хоҳламаса ўша келадиган даромадни ҳисобга олиб, нима ҳақда ёзаётганини, қандай ёза китоби ўтишини ўйлайди. Оқибатда, у энг олий туйғулардан бири бўлган мухаббат ҳақида ёкса, асарлар давомиди қўйганиб келгаётган мухаббат туйғусини бир четга қўйиб, ошқора порнографияга ўтади... Кизини шундаки, нинан мана шунга «асарлар»нинг бозори чакон. Эротик, порнографик асарлар нафақат ҳозир, умуман, XX асрда кенг тарқаб кетди. Кинода ҳам, театрда ҳам, адабиётда ҳам шу аҳвол. Айниқса, Фарбда. Ҳусусан, Америкада шу йўл билан миллионер бўлиб яшаётган, ўнлаб асарлар ёзган аёл ўзгачилар бор. Яна жиддийроқ ўзгачилар борки, улар ҳам порнографияни четгаб ўтаётгани йўқ. Биз «Жаҳон адабиёти» журналича Америка ўзгачиси Шелдоннинг бир романини беришимиз. Роман халқаро миксдаги ўткир, оғир, муттаҳам аёл ҳақида. Асар нихоятда кизикарли, зўр ёзилган. Аммо ўзгачи мазкур асарда эротикадан «тартир» сифатида фойдаланган. Биз буни шармандалик деймиз, Фарбда эса бу масалани алақачонлардан бўён шармандалик ҳисобланмайди.

Бутунги рус адабиётида китоблари миллион-миллион нусхада чоп этилаётган Эдуард Токернинг ҳам қадими бақувватгина. Лекин ўзгачилари бутунлай порнографиядан иборат...

М.: – Шунга асарларни адабиёт дейиш мумкинми?

О.Ш.: – Сиз билан биз учун бу адабиёт эмас, бундай асарларнинг санъатга алоқаси йўқ, деймиз. Аммо бу ишни битта одам, битта мамлакат ёки бир авлод вақили қилаётгани йўқ. Бутун дунёда шундай. Бу хил ўзгачиларнинг эса ўқувчилари беҳисоб. Мен бундай адабиётни санъат дейишга жуда қийналанман, лекин шу билан бира, бунга адабиёт билан ҳисоблашмаслигининг иложини йўқ. Аммо бундай асарлар санъат асари эмас, ҳақиқий санъат асарлари фақатгина санъатга хизмат қилади, дейиш ҳам нотўғри. Агар ўзгачи бирор асар ёзса-ю, уни ўзидан бошқа ҳеч қим тушунама, у ёзган асарнинг қимматига қарамай бор? Бир вақтлар Константин Симонов мухаббат ҳақида шеърлар ёзиб, уларни нашр қилдирган китобини Сталинга олиб бортганида у китобни ўқиб чиқиб: «Бу китобни икки нусхада чоп этиш керак эди, бири ўзига-ю, иккинчиси маҳбубасига» деган экан.

Менинг назаримда «Санъат санъат учунми ёки халк учунми?» деган савол устида бахсланиш шарт эмас. Аммо ҳозирги ёшлар со-

вет замониди адабиётга мафкура ҳукмронлик қилгани учун шундан кўркиб қолибми, санъатнинг жамиятта алоқаси йўқ, адабиёт одамлар учун эмас, дейишпти. Мен бу гапларга қаршиман. Ўқувчилар «лом-ла аввал ҳам санъат жамият учун дерди, ҳозир ҳам эски кўштинини айтипти», деб ўйламасин. Бу гапни мендан булоқроқ, донороқ ижодкорлар – мутафаккирлар, адабиётшунослар, буюк ақл соҳиблари айтган. Улар асрлар мобайнида мунозара қила-қила бир нуктага етиб келган. Адабиётки бор – одамлар учун.

Июль ойида «Литературная газета»да Чингиз Айтматовнинг суҳбати чиқди. Ёзувчи мана шу суҳбатда адабиётнинг ижтимоий ролини жуда юксак кўйиб, санъатнинг яшашини оқлайдиган бирдан-бир нарса унинг кўпчилигига хизмат қилишидир, дейди. Август ойида эса қозоқ ёзувчиси Ўлжас Сулаймоновнинг суҳбати эълон қилинди. Мазкур суҳбатда ҳам адабиётнинг инсонпарварлиги, халққа хизмат қилиши ва бусиз адабиёт барҳаёт бўлгумаслиги ҳақида қимматли фикрлар айтилган. Адабиётнинг ижтимоий ролини шундай қатта ёзувчилар эътироф этганидан кейин бу гапга ишонимимиз, мантик нуқтаи назардан ҳам ишонимимиз керак.

«Санъат – халқ учун» деган тўхтам шундан далолат берадики, санъат йиллар давомида ўз шаклларини ўзгартириши, яъни шакллари бойиб, янгилашиб бориши, мазмун ҳам янгилалиши мумкин. Лекин у моҳият-эътибори билан турли шаклларда инсоният таърихида қолади. Инсоният бор экан, санъат ҳам бўлади. Инсоният йўқолган жойда санъат ҳам йўқолади. Зеро, санъатсиз ҳаёт мумкин эмас. Нимага? Чунки санъат намунаси осмондан тушмайди. У, гарчи талаёт ҳосиласи бўлса-да, барибир қатта эҳтиёжларга хизмат қилади. Инсониятнинг ўз эстетик туйғуларини, гўзалликка ташналигини қондириш эҳтиёжи бор. Одам боласи фақат қорин билан ёки «яхши» ва «ёмон», «фойдали» ёхуд «зарарли» деган меъёрлар билангина яшамайди, яшай олмайди. Дунёда «гўзал», «хунук» деган тушунчалар ҳам бор. Гўзалликдан лаззатланиш, хунуқликдан нафратланиш туйғулари ҳар хил жойларда, ҳар хил миллатларда, ҳар хил даврларда турлича намоён бўлса ҳам инсонлар албатта турли шаклдаги хилма-хил гўзалликдан баҳра олиб яшайди. Санъат инсоннинг гўзалликка бўлган эҳтиёжидан туғилади.

Биз шу пайтга қадар «санъат – халқ учун, у инсониятнинг қатта эҳтиёжига хизмат қилади», деб келдик. Хўш, нима учун энди – XX асрнинг охирига келиб бундай мунозара бошланди? Тўғрисишни айтганда, бу мунозара тасодифий эмас, бунинг муҳим

сабаблари бор. Боя айтганимдек, социалистик тузум емирилгандан кейин адабиёт халққа хизмат қилмайди, деган гаплар пайдо бўлди. Совет замонида ҳаётимизнинг кўп қирралари нотўғри тавлимотларга асослангани қабил, санъат оламида ҳам кўп масалалар оёғи осмондан қилиб кўрсатилди. Санъат учун ўйлаб топилган расмий талаблар, турли қонуниятлар ва бошқа тазйиқлар унинг ривожланишига жуда қатта ғов бўлди. Мафкуравий қонуниятлар тавсирда яшган адабиёт одамлар эҳтиёжига хизмат қилмай қўйди. Ўша пайтда ҳақиқий санъат йўқ эди. Мен бу сўз билан яқка мафкуранинг ҳукмронлигини кўзда туташман. Адабиётда эркинликнинг йўқлиги, уни хоҳлаган-хоҳламаган ишита сунъий равишда мажбур қилиш оқибатида адабиётдан путур кетиб, у мафкура курулига айланди. Лекин шундай бўлса-да, адабиёт ўз моҳиятидан бутунлай узилиб қолмади. Салкам 70 йил давомида советлар адабиёти тарзида яшган адабиётимиз бир жойда тўхтаб тургани йўқ, балки совет адабиёти шаклида бўлса ҳам ривожланди, жуда кўп яхши асарлар яратди, халққа хизмат қилди. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимов ва улардан кейинги авлодлар – Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Ориповлар яхши асарлар ёзди. Буларнинг барчаси совет шоирлари, совет ёзувчилари эди.

М: – Аммо «Улар ҳақиқий санъат асарлари ярата олмадилар, «ўзбек совет адабиёти» замонасозлик қилди, атар бу адабиёт қайта таҳлил қилинса, ундан аччиқ сабоқ олиш мумкин, холос», деган фикрлар ҳам бор.

О.Ш.: – Юмшқоқ қилиб айтганда, мен бу гапларга мутлақо қўйилмайман. Аввало, шунги истардимки, биз етмишга қирғачми, олтимишга, донороқчимизми, йўқми, бундан қатъи назар, ўзининг тарих номидан ҳукм чиқарадиган ҳакам деб билмайлик. Бу тўғрида тарихнинг ўзи ҳукм чиқаради. Ўйайманки, халқнинг ўтмишига, тарихига беписандлик билан қараш адолатдан эмас. Бу гапларнинг қаердан келиб чиқаётганини тушунаман. Адабиётимиз ҳақиқатан ҳам мафкура зулми остида яшайди, аммо мана шу зулмининг чеклаш, тақиқлашларига қарамай, тақиқлар ичидан ёриб чиқди. Ўзининг образличилигига, санъаткорона табиатига ёриб чиқкан адабиёт бор. Агар шундай адабиёт бўлмаганида, эҳтимол, қиммасига кўл силқиш мумкин бўларди...

Ахир, Абдулла Қодирийдан қандай юз ўтирамыз?! Худо билсин, у ана неча юз йил ўқилади. Чўлпонни нима қиламиз?

Хўш, Чўшпоннинг шеърлари эрксеварлик руҳида ёзилган экан, романилари-чи? Умуман, шу муносабат билан мен бир нарсани айтиб ўтай. Етмиш йиллик адабиётни инкор қиладиган ўртоқлар: «Мафкура адабиётга тўсик бўлади. Биз мафкурасиз адабиёт яратшимиз керак», дейди. Бу ҳам жуда саводсизларча айтилган гап. Мафкура бу – фикрлар мажмуаси. Ўзбек адабиётининг энг буюк чўкиси, ўзбекнинг энг буюк шоири Навоий, деймизми? Навоийда мафкура йўқми? Навоийда ис-талганча мафкура бор. Бояги ўртоқлар эса «мафкура» деганда коммунистик идеологиянинг таъсирини кўзда тутяпти. Аввало, «коммунистик идеология» шартли тушунча. Қолаверса, бу ғояни ўз-ўзича қабул қилишнинг ёмон томони йўқ. Коммунистик ғоялар ҳам инсоният билан баравар туғилган. Инсоният бутун тарихи давомида рўшнолик кўриб, тўла-тўқис бахтиёр ҳаёт кечирган эмас. Айрим бахт элементлари бўлиши мумкин. Масалан, киши уйлانганда, фарзанд кўрганда бахтли бўлар. Лекин инсониятни яхлит ҳолда олганингизда, у ҳеч қачон ўз бахтидан мамнун бўлмаган. Инсоният ҳамisha қийинчиликлар билан яшаган. Ҳам моддий, ҳам маънавий қийинчиликлар – ожизликлар, хўрликлар...

Агар инсоннинг орзу қилиш қобилияти, ҳаёлот дунёси бўлмаганида у ҳаёт қийинчиликларига чидай олмасди. Ҳаёт, орзу, тўзаллик инсонга дом умид бағишлайди. Коммунистик ғоялар одамларнинг рўшноликни орзу қилиши оқибатида туғилган. Одамлар Ер юзиде гадо бўлмаслигини, инсоф, адолат бўлишини, ҳамма тенг ва бир-бири билан биродар бўлиб яшашини доммо орзу қилган. Ўйлаб қарасангиз, барча динлар ҳам мана шу орзулар асосига қурилган. Христиан динининг асосида ҳам шу ғоялар ётади, мусулмон динининг ҳам. Демокриманки, коммунистик ғоялар айбдор эмас, уни амалга оширмакчи бўлганлар айбдор. Улар бу ғоялардан нотўғри хулосалар чиқариб, «синф» деган нарсани ўйлаб топишди ва шундай деб билишдики, дунёда яшашга ҳақи бор синф бу – пролетарият – заводда ишлайдиган одам. Буржуанинг, бойларнинг, феодалларнинг яшаш мумкин эмас. Марксистик таълимнинг нетизи шунда эдики, пролетарият кишиларидан қутулиб, ўзи бутун дунёга ҳўжайин бўлиши лозим. Унинг асосий душмани эса буржуазия, эксплуататорлар. Уларни кириш керак. Мустабид тузумнинг охирига қадар, ҳатто Горбачёв даврида ҳам компартиянинг фалсафаси ёки яшаш стратегияси мохиятида шу нарса бор эди: «Дунёни янгилаймиз. Бар-

ча эксплуататорларни қувамиз ва ўрнига ўзимизнинг пролетарча ҳаётимизни қурамиз!» Куракда турмайдиган бу талаб натижасида ғоялар бўзиб юборилди ва шу бўзилган ғояларни тўғи тўғри ғоя қаби барчамизнинг онгимизга сингдиришга ҳаракат қилдилар. Аслида эса, ғоя мохияти тубдан ўзгариб, «тенглик» сўзи «нотенглик» билан алмашди.

Давлатнинг ўзи тоталитар давлат бўлиб, монополияга асослангани учун идеология ҳам битта эди: «Биз социалистик мамлакатда яшаб коммунизм қуралишимиз». Советлар мана шу шiorдан бошқа ҳеч нарсани тан олмасдилар. Биродарлар, бойларни қоралайлимиз, аммо бойлар бўлмаса, санатни ҳеч қим яратмаса, пролетарият қандай қилиб санатда ишлайди-ю, қандай қилиб тирчилик қилди, дейдиган бирорта мард топилмади. Топилган тақдирда ҳам бу гапни айтиш мумкин эмас эди. Аста-секинлик билан адабиётда шундай қарашлар вужудга келидики, бу қарашлар шак-шубҳасиз, ўз-ўзидан тўғри, деб ҳисобланарди. Адабиёт албатта ўша «ҳақиқат»ларни тасдиқлаши шарт, йўқса у ҳалққа хизмат қилмайди.

Хўш, қанақа ҳақиқатлар? Масалан, «1917 йилги Улуғ Октябр» инкилоби инсоният тарихида янги давр очди. Биринчидан, ўзи бу инкилобми, йўқми? Иккинчидан, бу революция улуғми, улуғ эмасми? Учунчидан, 1917 йилги инкилоб инсоният тарихида янги давр очганими, оймаганими? Булар номалғум. Аммо барча асарлар «ўтмиш – ёмон, бутунимиз – яхши» деган «ҳақиқат»ни тасдиқлаши керак. Барча асарларда «партия бизга раҳнамо, партия – ташкилотчимиз, дохийимиз – Ленин, руслар – улуғ отамиз, улар бизга тўзал ҳаёт олиб келди», деган мазмун бўлиши шарт эди. Ўйхоланки, адабиётнинг ўз ички мантиги бўлади. Қайси бадий асарда ички мантик бузилса, ўша жой туртиб, хунук бўлиб чиқиб туради. Масалан, «Қутлуғ кон» романининг дастлабки нусхасида Петров образи бўлмаган. Аслида йўлчи қамалар, қамокдан чиқиб келиб исёнга қатнашиб, исёнда ўларди. Лекин асар муҳокамасида: «Рус ҳалқининг етакчилиқ роли қаерда қолди? Йўлчи қандай қилиб ўзидан-ўзи инкилобчи бўлди? Унга рус инкилобчиси ёрдам бермади-ку?» қабилидаги гаплар бўлган. Шундан кейин ёзувчи қаерга маҳус боб қўшган...

Садриддин Айнингнинг ҳам «Қуллар» романида шундай парча бор. Бир одам зиндонда ётган коммунист билан учрашиб, бир кечиде энг етук коммунист, салкам Маркснинг шогирди даражасига етиб, зиндондан чиқади. Бир кечда бундай бўлиши мумкин эмас,

албатта. Аммо бу тўқималар ёзувчидан талаб қилинар эди. Совет тўғрисида тушпа-тузук, тажрибали, катта ёзувчилар ҳам шу схемага амал қилишга мажбур бўлган.

Ўйғуннинг «Навобахор», «Ҳаёт кўшиги» номли пьесаларида замонасозлик қучли, аиникса, «Навобахор»да. Пьесада ота билан киз ўртасида конфликт туғилади. Ота — раис, киз — бригадир. Ота кизининг янги ер очилишга йўл қўймагани учун орадариди жанжал кўтарилди. Охири райком секретари кизининг отасини чақириб, янгиликка қарши чикмант, дея насихат қилди ва шу билан ота ўзгаради... Буларнинг барчаси қулғили, беъмари, ахлоқона гаплар. Аммо шулар ўз вақтида адабиёт ҳисобланарди, ҳурмат қилинарди. Ёзувчиларни бу учун мукофотлардлар. Хуллас, мана шунанга ўртаминан асарлар ёки адабиётга ўхшаган адабиёт раббатлантирилди. Бунақа шароитда юракка яқин, интим, мухаббатга бағишланган ёки фожиали, қайғули асарлар ёзиш мумкин бўлмаган.

1956 йилда шеърят тўғрисида катта дискуссия ўтказилган. Дискуссияда энг асосий масалалардан бири сифатида «Лирик қаҳрамон қайғуриши мумкинми?» деган жиддий савол ўртага ташланган. Зеро, «Факатгина қулиш, яйраш, севиниш керак, «қайғу», «ғам-ғусса», «ҳазинлик» деган сўзлар бўлмасин, ҳатто бу сўзлар адабиётдан чиқариб ташлансин», деган талаблар қўйилган. Мана шунинг учун ҳам мен хозирги ёшларни тушунаман. Улар кечати асарларга қарши гапирганда, адабиётни мажаклаган, мажруҳ қилган бояги дардларни кўзда тутатган бўлишлари мумкин. Шубҳасиз, бунақа типдаги адабиётнинг кераги йўқ, бунақа адабиёт факат ўлимга маҳкум.

Аммо шу ўринда яна бир ҳақиқатни айтиб ўтайин. Энди «ўша замон ўтиб кетди, биз янги босқичга кўтарилдик, мустақил довонга қадам қўйдик, адабиётдаги иллатлар ўз-ўзидан қолиб кетди», деб ўйлаш ҳам нодонликдир. Бу иллатлар ўз-ўзидан қолиб кетмайди. Агар мана шу иллатларнинг номини ихчам қилиб «идеологик схемалар» деб атасак, уларнинг янгилиари туғилди ва янги адабиётнинг ўсилишга, эркинлигига тўғанок бўлиши мумкин. Ёзувчи истаб-истамай «янги қонуниятлар»га бўйсунлишга мажбур бўлиб қолади. Мана шуниси жуда ёмон. Ҳозир ҳам айрим янгича схемалар туғулаётганини кўрсатиш мумкин. Бавзилар айтатган «мустақиллик адабиёти» деган маҳсу адабиёт йўқ, ахир. Қайси мавзуда бўлишидан қатъи назар, мустақиллик даври адабиёти ҳақиқий адабиёт, санъат даражасига кўтариладиган гўзал адабиёт

бўлиши керак! Шунни таъкидлаш керакки, бизда етмиш йил мобайнида «долзарб мавзу» деган талаб адабиётимизни ўлдирган таъйиқлардан бири бўлди. Қачон қарамант, «актуал мавзу», «керакли мавзу», «долзарб мавзу», «сиёсий жихатдан қимматли мавзу»...

Адабиётнинг санъатлик моҳиятига эид бориши учун имкон туғулрадиган зўғумлардан бири мана шу. Бундай пардлар билан санъатнинг йўқлигини ҳаспўшлаш тенденцияси пайдо бўлади. Масалан, хозир истиқлол мавзуси актуал мавзу. «Истиқлол», «Ватан» деган сўзлар ишлатилса, демак, бу асар яхши. Биродар, публицистик мақола ёки очерк шунанга бўлиши мумкин! Бирок адабиёт бундай бўлмайди. Адабиётнинг ўз спецификаси бўлади. Ёсиб чиқарилган ҳар қанақа асар адабиёт саналавермайди, шакли адабиётга ўхшаши мумкин, ҳолос. Юракка етиб борадиган, юрак орқали фикрни уйғотиб, ё йнглатадиган, ё йратадиган асаргина адабиёт бўлади. Ёзувчи эса бу муваффақиятга юз минг хил йўл билан эришади, унга ўрғатиш шарт эмас.

Яқинда ўнинчи синф ўқувчилари иштирокида «Синфдош» деган кўрсатув берилди. Буни қарантқи, бу ўқувчиларнинг орасида китобхони деврли йўқ экан. Факат бир киз биттами, иккитамини ромиин ўқиган экан, ҳолос. «Нега китоб ўқимайсизлар?» деб сўраса, улар: «Ёзувчилар орқада қолиб кетди, бизга кераккин асарларни етказиб бермайтти», дейди. Мен уларнинг тасаввурита, шотирдарида шундай тасаввур берган адабиёт ўқитувчисида хайрон қолдим. Ахир, миллатидан, динидан, тилидан, давридан қатъи назар, инсон умр бўйи ўқиб адо қилолмайдиған улкан бир ҳазина — жакон адабиёти бор-ку! Ёзувчилар бу ўқувчилар учун истиқлол ҳақида асар ёзиб берса, шу асар бадийи китоб ҳисобланармиш. Бу илди адабиётга бир ёқлама, саводсизларча муносабатдан бошқа нарса эмас!

Етмиш йил давомидида бизга ёт «идеологик схемалар» адабиётимизни ўлдирди. Бирок, хайриятки, баҳтимизга шўролар замонида иштан юксак истевдод соҳиблари ҳақиқий санъат асарлари яратди. Йўл-йўлақай яна бир нарсани айтиб ўтайин. Ҳозир Ҳамзани илримлар ёмон кўради. Ҳамза десант пешанаси тиришди. Одамлар уни ўзбек совет шеъритининг асосчиси, совет замонининг биррокдори, деб буринни жийиради. Ахир, шу пайтта қадар Ҳамзани мактаб қелдилар. Унинг юбилейлари ўтказилди, «Ҳамза» номли давлат мукофоти таъсис этилди, унга бағишланган кинофильмлар, опера яратилди, суратлар ишланди, ҳуллас, Ҳамзадан